

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ МЕЗОНИ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-24-475-488>

Бобомурод Султонов,

Халқаро Нордик университети доктаронти

Тел: 90 990-00-17

Тошкент, Ўзбекистон

АННОТАЦИЯ

Ижтимоий тармоқларда бизнесни бошқаришининг иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари, қарорлар ишлаб чиқиш ва уларни қўллашга доир ижтимоий-иқтисодий сунъий интеллект мантиқий фикрлар баён қилинган. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда бизнесни бошқарув, қарорлар ижросини таъминлаш усуллари ва уни амалга ошириш мезонларни билан боғлиқлиги каби масалаларга эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: Қарор, меҳнат унумдорлиги, ахборот, “Кайзен” бизнес бошқаруви, японча модель, принциплар, бошқарув қарори, стратегик қарор, оператив қарорлар, меҳнатнинг мативацион омиллари ва сунъий интеллект.

УПРАВЛЕНИЕ БИЗНЕСОМ В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ, ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ КАК КРИТЕРИЙ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ

АННОТАЦИЯ

Социальные сети описывают способы повышения экономической эффективности управления бизнесом, социально-экономические логические размышления о разработке решений и их применении. В нем также рассматриваются такие вопросы, как управление бизнесом в социальных сетях, методы обеспечения исполнения решений и тот факт, что их реализация связана с критериями.

Ключевые слова: Решение, производительность труда, информация, бизнес-администрирование “Кайдзен”, японская модель, принципы, управленческое решение, стратегическое решение, операционные решения, факторы мотивации труда и искусственный интеллект.

BUSINESS MANAGEMENT IN SOCIAL NETWORKS, ARTIFICIAL INTELLIGENCE AS A CRITERIA FOR INCREASING ECONOMIC EFFICIENCY

ANNOTATION

Social networks describe ways to increase the economic efficiency of business management, socio-economic logical reflections on the development of solutions and their application. It also addresses issues such as business management on social media, methods for enforcing decisions, and the fact that their implementation is linked to criteria.

Keywords: *Decision, labor productivity, information, Kaizen business administration, Japanese model, principles, management decision, strategic decision, operational decisions, labor motivation factors and artificial intelligence.*

Бизнесни бошқарув фаолиятининг самарадорлиги кўпинча, қабул қилинаётган қарорларга боғлиқ. Корхонадаги бутун савол ва муаммолар занжири уларнинг аниқ ечимига, бошқарувчига юкланган ва ҳуқуқий вазифалар қарорларини тўғри қабул қилиш ва ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Ечилаётган муаммоларнинг ҳаммаси ҳар қандай бошқарувчи томонидан ҳисобга олинади ва бу нарса унинг бошқарув услубида ҳамда бутун бошқарув жараёнида акс этади. Бизнесни бошқаришда иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари қуйидаги мезонлар билан боғлиқ.

Қарор - бу бажарилиши лозим бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олиш. Масалан, фирма олдида бир нечта вариант мавжуд. Биринчи вариант - пахта толасидан ип калаваси ишлаб чиқариш. Иккинчи вариант - шу ип калавасидан бўз ишлаб чиқариш. Учинчи вариант - ип калавасидан бамаза, сурп ишлаб чиқариш. Менежмент вазифаси - ягона тўғри йўлни танлаш. Шундагина иқтисодий самарадорликка олиб келади[1].

Бугунги кунда корхоналар фаолиятини бошқаришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш масалалари менежерлар олдида янги вазифаларни қўймоқда. Масалан, Японияда кенг фойдаланилган Just-in Time-Production-“Аниқ вақтда” номли усулдан фойдаланиш маҳсулот таннархи пасайиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши имконини беради. Бу усул корхонага (цехга) зарур хом ашёларни узлуксиз етказиб беришни кўзда тутди. Яъни бевосита ишлаб чиқариш майдонида зарур вақтда, зарур миқдорда, юқори сифатда ва арзон нархда хом ашёнинг келиб тушишини тақозо қилади. Бу ерда вақт омили ҳар қачонгидан ҳам қимматли ресурсга айланади. Ахборот - маълумотларни олиш, тўплаш ва узатиш воситаси

сифатида электрон хабарлар карточкаси самарали бошқариш асосига хизмат қилади.

“Just-in-Time” усули ишчилар орасида учраб турадиган яширин низо ва нуқсонларини (ходимларнинг бир-бирига ҳурматсизлигини, ишга кечикиб келишларини беркитиш ҳолларини, кундалик назоратнинг бўлмаслиги) носозлик ёки ишсиз туриб қолишларининг олдини олади ва бартараф этади.

Бўшаб қолган раҳбарлик лавозимларига пухта билимга эга бўлган, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган ёш мутахассислар тайинланади.

Кайзен замонавий бошқарув санъатидир. Корхонада нуқсонсиз ишлаш, қарорларини ўз вақтида сифатли бажариш, тўла сафарбарлик, ҳамкорлик бизнес шиорига айланади.

Бошқарув қарори - кенг маънода, жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг реал қондирилиш имкониятлари билан бир нуқтада кесишуви.

Стратегик қарорлар - бу корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган мақсад ва миссияларнинг шаклланиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу қарорлар корхона фаолиятидаги янгича ёндашувлар, кескин бурилишларнинг силлиқ ўтишини таъминлайди. Стратегик қарорлар корхона, ҳудуд, соҳа даражасида қарорлар жамиятидаги янги манбалар ҳисобига бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Оператив қарорлар - бу моҳияти бўйича хўжаликни долзарб бошқарув қарорларидир. Улар бошқариладиган объектнинг узлуксиз ишлаш жараёнини қўллаб-қувватлаш учун жорий шахсий муаммолар бўйича қабул қилинади. Яъни, унинг мураккаб механизми тузилма ва ўзаро алоқаларини ўзгартирмасдан ушлаб туришдир.

Қарор бошқарувнинг марказий бўғини бўлиб, асосий фаолиятни ташкил қилади. Қарор қабул қилиш менежер ваколатига киради ва асосий вазифаси ҳисобланади. Қарор қилишда ахборот таъминоти қуйидаги принципларда бўлади:

- 1) Олинган ахборот миқдорининг тўлаллиги.
- 2) Ахборотнинг зарурлиги, унинг аҳамияти, аниқлиги, ишончлилиги.

Бизнесни бошқариш иқтисодий самарадорлиги аниқлангандагина менежер ушбу қарорни қабул қилади.

Менежмент амалиётида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашнинг кўплаб шакл ва методлари йиғилган. Саволларнинг мураккаблиги ва мазмунига қараб, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул

қилишда, иқтисодий таҳлил, экспорт баҳолашлар каби усуллардан фойдаланишда раҳбар фаолият-ҳаракати кетма-кетлигининг умумий схемаси мавжуд. Уни билиш муайян қарорларни кўриб чиқишга ва бажарилишига ёрдам беради. Қарор қабул қилишдан олдин раҳбар қуйидагиларни аниқлаб олиши шарт:

1. Ҳаракат-фаолият мақсади ва унга эришиш йўллари.
2. Муаммонинг муҳим, аҳамиятли тарафлари.
3. Керакли моддий, молиявий (пул) ва меҳнат ресурслари.
4. Бажарувчиларнинг вазифалари.
5. Вазифа бажарилишини ташкил этиш тартиби.

Ҳар бир мураккаб қарорларни қабул қилиш жараёни ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

1. Мақсад аниқланиши, муаммони тушуниш ва керакли ахборотни йиғиш.
2. Йиғилган ахборотни таснифлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш.
3. Вариантларни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш.
4. Охирги ва оптимал ягона, тўғри вариантни қабул қилиш.
5. Ҳар бир қарорни керакли шаклда ҳужжатлаштириш.
6. Қарорларни муҳраб қўйиш.
7. Қарорнинг бажарувчига ўз вақтида етказилиши.
8. Қабул қилинган қарорлар бажарилишини ташкил қилиш.
9. Қарор бажарилиши назорати ва ҳисоби.

Раҳбарнинг асосий вазифаси - ягона тўғри қарорларни қабул қилишдир.

Оптимал қарорни ёки унга яқин қарорни танлашда керакли усул ва услубни қўллаш лозим бўлади. Бошқарув амалиётида қарорларни қабул қилиш ва улар билан ишлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Бошқарув жараёнининг самарадорлиги бошқарувнинг абсолют барча томонларини қамраб олади ва иқтисодий, ижтимоий, ташкилий маркетинг, технологик ва бошқа муносабатларнинг характерли хусусиятларини акс эттиради. Бошқарув самарадорлигининг бундай кўп қирралиги уни ифодалашда тушунчаларнинг турли-туманлигини инкор этади. Улардан бошқарув тизимининг асосига кирувчи муҳитлари қуйидагилардир:

1. Бошқарув ишчилари меҳнатининг самарадорлиги.
2. Бошқарув аппарати ёки унинг алоҳида органлари ва бўлимлари бошқарув фаолиятининг самарадорлигига.
3. Бошқарув жараёнининг самарадорлиги (аниқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда).

4. Бошқарув тизимининг самарадорлиги (бошқарув иерархияси, шунингдек, ишлаб чиқаришни бошқаришда ишловчилар қатнашишини ҳисобга олиб).

5. Бошқарув механизмининг самарадорлиги (бошқарув услуб ва шакллари).

Таркибига кўра, бошқарув самарадорлигига иқтисодий ҳамда ижтимоийга бўлинади. Бу бўлиниш мақсадларнинг фарқланиши билан тушунтирилади. Менежмент натижаларини аниқлаш мумкин бўлган юқори раҳбарият камандаси самарали ишининг бир нечта қоидалари мавжуд:

1. Маълум бўлимга жавобгар бўлган ҳар бир киши унда ўзининг ҳал қилувчи овозига эга бўлади.

2. Ҳеч ким ўзи бош жавобгар бўлмаган ишларда қарор қабул қилмайди. Бундай масала туғилганда уни ҳал қилишга жавобгар шахсга тақдим этадилар.

3. Команда аъзолари ўз ҳамкасблари ҳақида ташқарида гапирмасликлари керак.

4. Команда сардори хўжайин, бошлиқ бўлмасдан лидер бўлиши зарур. Кризис пайтида у жавобгарликни ўз бўйнига олади.

5. Баъзи қарорлар синчиклаб муҳокама қилинади.

6. Команданинг баъзи аъзолари бир-бирларини ўзларига тегишли соҳа қарорлари билан доимо ва чуқур таништириб борадилар.

Менежмент самарадорлигининг иқтисодий кўрсаткичи деганда, аввало “кўрсаткич” тушунчаси баҳоланаётган объект ёки предметнинг қандайдир хусусияти, аспекти, томонини ифодалайди. Бошқарув самарадорлигининг дастлабки кўрсаткичларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Эксплуатацион сифатларини, таққосланаётган техник бошқарув воситаларининг параметрлари ва улардан фойдаланиш даражасини аниқлаб берадиган техник кўрсаткичлар.

2. Бошқарув жараёни тузилиши характерини, ташкилий структурани, ахборот ва ҳужжатлар билан ишлашни белгилайдиган ташкилий кўрсаткичлар.

3. Активлар ликвидлиги ва молиявий барқарорлик даражасини белгилайдиган молиявий кўрсаткичлар.

4. Меҳнатнинг мативацион омилларини белгилайдиган ижтимоий кўрсаткичлар.

Бошқарувнинг ижобий натижаси, бир томондан, ташкилот тузилишининг самарадорлиги билан, иккинчи томондан, унда ишловчиларнинг малакаси ва мотивлаштирилиши билан аниқланади.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда таълим тизими уч асосий сабабларга кўра муҳим аҳамият касб этади.

- кишиларнинг қонунга амал қилиш ва демократик жамиятга асосланган жамиятни қуришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланишларида таълим асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади;

- таълим иқтисодий ўсишни таъминлайди ва кишиларга иқтисодиётга моддий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган кўникмаларни беради;

- таълим ижтимоий бойликнинг муҳим қисми ҳисобланиб, ўзбек халқининг бой тафаккури ва миллий меросини тиклашда асос вазифасини ўтайди.

Ҳозирги босқичда ижтимоий соҳа ривожининг аниқ йўналтирилганлиги, манзиллигига катта эътибор берилмоқда. Чунки, Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда[2].

“Таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шу даражада иқтисодий ўсишга эришилади. Таълим соҳаси иқтисодий ўсишга эришишнинг имконияти ўсишга эришилади. Таълим соҳаси иқтисодий ўсишга эришишнинг имконияти бўлиб ҳисобланади”.

2025 йил - “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб ном берилишида асосий сабаб бизнесни, таълим-тарбияни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Россиянинг йирик иқтисодчи олим академик Л.И. Абалкин инсон капитали тўғрисида шундай ёзади. Ҳозир “Инсон капитали” даражасини ривожлантириш иқтисодий ўсишни асосий ва ҳал қилувчи оммилидир[4], деган эди.

Иқтисодий адабиётларда “Инсон капитали” тушунчасининг кенг ва тор маъноларида берилганлигини кўриш мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда, тор маънода “Инсон капитали, шубҳасиз ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида намоён бўлади”.

Инсон капитали шакллантиришга таъсир қилувчи муҳим омиллар қаторида хизмат қилувчи соҳалар - таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари ҳисобланади. Шу боисдан мазкур соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам ижтимоий соҳага берилаётган эътиборни ҳам иқтисодий ўсишга яратилаётган шароитни англатади.

“Инсон капитали ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд. Инсон таъсир қилади ва мана шу инвестицион самарадорлик натижасида

мамлакат фуқароларининг билим ва кўникмаларини кенгайтириш орқали иқтисодийни ривожлантиришга ёрдам беради”.

“Замонавий шароитда таълим муассасаларини молиялаштиришнинг долзарблиги бюджет тизимининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Таълим муассасаларида ходимлар иш ҳақининг камлиги ва ёш мутахассисларнинг давлат таълим муассасаларидан тижорат тизимига кетиб қолиши шаклида салбий оқибатларга олиб келди”[5].

Академик С.С. Гулямов инновацион ривожланиш стратегиясининг бош мақсади бўлган инсон капиталини ривожлантириш асосий мақсадимиз ва бу мақсад олдида барчамиз бирлашишимиз кераклигини таъкидлади. Академик С.С.Гулямовнинг фикрича, инсон интеллектининг ўсиши уч омилга: 30-35 фоиз инсоннинг наслига, 30-35 фоиз “яшириш очарчиликни камайтириш орқали хотирани ва мия фаолиятини яхшилашга ҳамда 30-35 фоиз ўқитувчи ва устозларнинг маҳоратига боғлиқ.

Ўзбекистон Фанлар академиясига давлат бюджетидан 32 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Маблағнинг асосий қисми илмий-тадқиқот институтлари моддий-техник таъминотини яхшилашга сарфланмоқда. Салкам 1,6 миллион АҚШ доллари астрономик тадқиқотлар учун йўналтирилган. Бугунги кунда институт гуруҳларида асосий илмий тадқиқот ёшлар томонидан олиб борилмоқда. Фан докторлари қатлами анча ёшарди ва улар ҳақиқий фан олимларига айланмоқда. Масалан, институт гуруҳида А. Абдужабборов 31 ёшда, А. Турсунов 29 ёшда, А. Абдикамолов 28 ёшда, Б. Нарзиллаев эса 27 ёшда фан доктори, Б. Тошматов 33 ёшда физика-математика фанлари доктори бўлди. Яна уч ёш ходим: Ж. Райимбоев, С. Шайматов ва Ш.Мардонов физика-математика фанлари доктори бўлиш арафасида. Айтиш керакки, дейди Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Бобомурод Аҳмедов, - 27 ёшда фан доктори бўлган инсон шу мамлакатга 50 йил хизмат қилади. Ёш олимлар рағбатлантирилмоқда. Масалан, Бахтиёр Нарзиллаевга 3 йилгача ойлигидан ташқари базавий ҳисоблашнинг 75 баробари миқдорида рағбат пули берилади[6].

Ёшлар янгиликларни тез ўзлаштиради. Айни пайтда “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан малака оширишга йўлланма учун танловлар эълон қилинмоқда. Гуруҳдан 5 нафар ёш олим 2022 йили Инновацион ривожланиш вазирлигининг малака ошириш йўлланмаси грантини ютиб олди. Авваллари стажировга харажатини фақат чет эллик ҳамкорлар кўтаради. Энди эса бундай малака ошириш сафари бюджет ҳисобидан ташкил этилмоқда.

Ҳозирги пайтда фан тубдан ўзгарди. XX асрда фан индивидуал олимлар томонидан ривожлантирилган. Шредингер, Эйнштейн каби олимлар яқка ҳолда ишлаган. Ҳозир эса битта қора туйнукнинг суратини олиш учун 10 минглаб олим ишламоқда. Чунки фан жамоавий бўлиб қолди.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди... Интеллектуал салоҳият буюк бойликдир”, деган эди.

1988 йилда Халқаро Нобель мукофотининг Париждаги йиғилиши Мурожаатномасида ҳам “Инсоният XXI асрда яшаб қолишни истаса, 25 аср илгари яшаб ижод этган Конфуций (э.р.ав. 551-471)нинг донишмандлигидан яхши хабардор бўлмоғи даркор” дейилган эди.

Конфуций ҳам “Агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг дарахт эк, агар асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, билим, илм эк”, дея бежиз айтмаган.

Инсон капиталини ривожлантиришда “Ақлли таълим”, “Ақлли тиббиёт”, “Ақлли оила” ҳамда мия қобилятини ва хотирасини ўстириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. “Инсонни бу дунёга келишидан мақсад-инновация яратиш ва номини тарихда улуғлаш” деган эди академик С.С. Гулямов.

Конфуцийнинг кейинчалик яратилган ва машҳур бўлиб кетган “Билимсизлик - инсоният учун энг қорунғу тундир”[7] деган ҳикматли сўзи яратилишига ҳам волидасининг ўғитлари сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Инсон омили нима? Гери Беккер - америкалик иқтисодчи, инсон капитали бўйича тадқиқотлари учун Нобель мукофоти олган. У инсон капитали тушунчасига шундай таъриф беради: “Агар технологиялар иқтисодиётнинг мотори бўлса, инсон капитали - унинг ёқилғиси. Ҳар бир одамнинг, давлатнинг иқтисодий муваффақиятлари замонамиз капиталининг ана шу янги шаклига боғлиқ”.

Шу боисдан Иоганн Вольфганг Гёте “Мен илм-фан билан шуғулланиб, одамларни яхшироқ билдим”[8], деган эди. Албатта ҳар бир мамлакатнинг илмий салоҳияти олимлар сонига қараб белгиланади. Ўзбекистон 1 миллион кишига 476 нафар олим тўғри келади. Дунё бўйича бу кўрсаткич - 1 минг 478 нафар. Исроилда 1 миллион кишига 8 минг 342 киши, Корея Республикасида - 7 минг 498 киши, АҚШда - 4 минг 245 киши, Россияда - 2 минг 822 нафар, Ўзбекистонда эса - 476 нафар олим тўғри келади[9], илм-фанга ажратилаётган маблағлар Ўзбекистонда ЯИМнинг 0,2 фоизини ташкил этади. Дунё кўрсаткичи эса ўрта ҳисобда 1,7 фоизни ташкил қилади[10]. Шунинг

учун ҳам кейинги йилларда иқтисодиётимиз икки баробар ўсди. 2023 йил якуни бўйича ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Тадбиркорлик субъектларининг сони икки карра кўпайди, саноатдаги ўсиш суръатлари 40 фоиздан ошди, қисқа муддатда камбағалликни қисқартиришга эришилди.

Бизнесни молиялаштириш, солиқ, ер, инфратузилма ва тадбиркорлик фаолиятига аралашувни қисқартириш борасидаги муаммолар тизимлаштирилиб, уларни ҳал этишга оид таклифлар ишлаб чиқиляпти. Хусусан, 2021 йилда илк очик мулоқот доирасида 57 та, 2022 йилда 55 та, 2023 йилда эса 56 та ташаббус илгари сурилиб, ижобий ечим топди.

Қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар бизнес эгалари фаолияти ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. ҚҚСни 12 фоизга тушириш, уни қайтариш муддатини 7 кунгача қисқартириш, 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган айланмадан олинadиган солиқ ўрнига 4 фоиз миқдорида ягона солиқ ставкасини жорий этиш каби солиқ ислохотлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ер участкалари ёки мол-мулкни ажратиш тўғрисидаги қарорни фақат суд орқали бекор қилиш тартибининг жорий этилиши тадбиркорлар ҳуқуқларини кенгайтириб берди[11].

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг маълумотларига кўра Ўзбекистонда бизнесменларга яратиб берилган қулай шароитлар натижасида тадбиркорлик ривожланишининг юқори ўсиш суръатларини намойиш этмоқда. 2024 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 485000 тага етди. Бу 2020 йилнинг шу давридагига нисбатан 121,8 фоиз кўп дегани. 2023 йилда кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини: қурилиш 74,7 фоиз; бандлик 74,1 фоиз; ЯИМ 51,2 фоиз; экспорт 29 фоиз; саноат 26,9 фоизни ташкил қилди. “Энди ҳар йили ёшларнинг энг зўр бизнес ғоялари”га йилига 50 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда”[12]. Бухоро вилоятида Ўзбекистон - Абу-Даби инвестиция компанияси томонидан “Бизнес мактаби” ташкил этилди.

Мамлакатимизда 4 миллиондан зиёд оила ўз томорқасига эгалиги, улар ихтиёрида 500 минг гектардан ортиқ томорқа мавжуд.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги ПҚ-3777-сонли қарори қабул қилиниши оилавий бизнеснинг ривожланишига яна бир сезиларли туртки берди.

Ушбу масалаларнинг долзарблик касб этишини аҳоли умумий даромадлари таркибини таҳлил этиш орқали ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2017 йилда даромадлар таркибида 4 та йўналиш доирасида қуйида қайд этиб ўтиш мумкин.

1. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар - 2,2 фоиз;
2. Мол-мулкдан олинадиган даромадлар - 4,2 фоиз;
3. Трансфертлардан олинган даромадлар - 24,8 фоиз;
4. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар - 68,8 фоиз.

Шунингдек, мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар эса, бир мунча сезиларли улушдалигини кўриш мумкин. Ҳудудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши турлича ва 18 фоиздан (Тошкент шаҳрида) 42,8 фоизгача (Жиззах вилояти) ўзгариб турган. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг учдан бир қисми (32,3 фоиз) Самарқанд (11,1 фоиз), Тошкент (11,0 фоиз) ва Андижон (10,2 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган[13].

Бизнингча, инноваторлик фаолиятидан олинадиган даромадларнинг улушини ошириш мақсадида мамлакатимизда инсонларнинг интеллектуал капиталини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш механизмларини жорий этиш айтиш долзарб масала ҳисобланади.

“Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан”. Кейинчалик инсоннинг ижтимоий ҳаётга кириб боришига қараб тарбиявий таъсир манбалари янада турлича бўлаверади. Бу жараёнга - мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, ўрта махсус ва ОЎЮ, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, ОАВлари, адабиёт ва санъат ҳамда бошқалар қўшилади. Демак, ижтимоийлашув жараёни анъанавий равишда болага дуалистик таъсир: оила ва давлат (жамоатчилик) тарбияси шароитларида вужудга келади.

Учинчи (2024 йил 2-3 май) Тошкент халқаро инвестиция форумида Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқида хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун қабул қилингани, 250 та йирик корхонанинг давлат улуши ва салкам 1000 та кўчмас мулк объектини сотиш, 12 та корхона акцияларини фонд бозорида бирламчи оммавий жойлаштиришда (IPD) учун янги дастур ишга тушурилганини таъкидлади. Тадбиркорлар барқарорлиги рейтингги жорий этилиб, юқори рейтингга эга тадбиркорлик субъектларида солиқ текшируви ўтказилмаслиги, энди хорижлик сармоядорлар акциялардан олинаётган дивиденд бўйича уч йил муддатга солиқлардан озод этилиши алоҳида қайд этилди. Давлат раҳбари нутқида келтирилганидек, “... Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасаймоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам

кутилган умидларни оқламаяпти. 2023 йилда ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 3 фоизга камайди”.

Айни пайтда (2024) мамлакатимизда бу борада 28 та лойиҳа устида ишлар давом эттирилаётгани, Ўзбекистонда 2030 йилгача 20 гиговаттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган. Таҳлилларга кўра, юртимизда қуёш ва шамол энергетикаси салоҳияти электрга ҳозирги эҳтиёжни 10-12 баробар ортиғи билан қоплашга етади. Давлатимиз бу соҳага катта эътибор бериб, ҳуқуқий замин яратиб, “яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурга старт берилди...

“Ўзбекистон-2030” стратегияси мамлакатни ўрта даромаддан юқори бўлган иқтисодиётга айлантириш вазифалари ва мақсадлар белгиланган. Бу мақсадга етишнинг муҳим омили эса инвестиция муҳитини яхшилашдир. Ҳукуматимиз капитал бозорлари билан бирга мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни ният қилган. Бунга эришиш учун 250 млрд.доллар миқдорида, жумладан, 110 млрд.доллар хорижий инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик доирасида 30 млрд.долларлик инвестициялар жалб этиш таклиф қилинди. Бу стратегия мамлакатимизда айнан инвестиция фаолиятини кучайтириш, тегишли муҳитни яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. 2025 йилгача инвестиция сиёсатининг мақсади - иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва мувозанатини ошириш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, ҳудудларни тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш.

Стратегиянинг асосий вазифалари учта муҳим йўналиш бўйича белгиланган, яъни инвестиция муҳитини яхшилаш, ички инвестиция манбаларини кенгайтириш ва инвестиция манбаларининг натижадорликни ошириш, самарали чора-тадбирларни қўллаш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш 2025 йилгача инвестицияларнинг асосий манбалари тўғридан-тўғри инвестициялар, жумладан, давлат хусусий шериклик, давлат инвестициялари ва корпоратив қимматли қоғозлар самоялари бўлади.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилдаги 30,5 фоиздан, 2025 йилда 37,5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Шунингдек, 2025 йилда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори 11 млрд. АҚШ доллариға етказилади, бу кўрсаткич 2018 йилда 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Демак, Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимиз тараққиётининг янги

босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш даври бўлиб қолмоқда.

Инсон капиталини ривожлантириш орқали мамлакат ўз халқининг тўлиқ салоҳиятини очади ва янада фаровон келажакни яратади. Масалан, Японияда “мартаба зинапояси” тушунчаси мавжуд бўлиб, инсоннинг билим даражасини қанчалик юқори бўлса, унинг ижтимоий мавқеи ва мартаба ўсиш имкониятлари шунчалик баланд бўлади.

Бизнес ташкилотларида инсон капиталини ривожлантиришнинг долзарблигини қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, ходимларнинг кўникмалари ва билимларини ривожлантиришга инвестиция қилиш уларнинг унумдорлиги ва самарадорлигини оширади. Ходимлар зарур билимларга эга бўлса, ташкилий мақсадларга эришишга самарали ҳисса қўшиши ҳамда юқори сифатли ишларни бажариши мумкин.

Иккинчидан, инсон капиталини ривожлантиришга устувор аҳамият берадиган ташкилотлар бозорда рақобатбардош устунликка эга бўлиб, яхши ўқитилган ва малакали ходимлар компанияларга инновациялар яратиш, ўзгарувчан бозор шароитларига мослашиш ва рақобатчилардан олдинда бўлиш имконини беради.

Учинчидан, бизнесни ташкилотда ўрганиш ва ўсиш учун имкониятларни таклиф қилиш ходимларнинг қониқиш ҳамда фаоллигини оширади. Ходимлар кадрланиши ва қўллаб-қувватланаётганини ҳис қилса, уларнинг ташкилотда қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Тўртинчидан, ворисликни ривожлантириш имконини беради, яъни инсон капиталини ривожлантириш ташкилотларининг келажакда етакчилиги ва муҳим ролларни ўз зиммасига оладиган иқтидорли шахсларга эга бўлишини таъминлайди.

Бешинчидан, тез ўзгарувчан бизнес муҳитида ташкилотлар мослашувчан ва чидамли ходимларга муҳтож бўлиб, инсон капиталини ривожлантириш ходимларни ўзгаришларни қабул қилиш, янги технологияларни ўрганиш ва мураккаб вазиятда самарали ҳаракат қилиш кўникмалари билан таъминлайди.

Олтинчидан, ходимларнинг билим ва тажрибасини ривожлантириш ташкилотларда инновация ва ижодкорлик суръатини оширади.

Еттинчидан, инсон капиталини ривожлантиришга сармоя киритилиши ходимларни меҳнат самарадорлигини таъминлайди.

Инсон капиталини ривожлантиришда таълим соҳасидаги мавжуд муамоларни тан олган ҳолда креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш таълим

сифатини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда “Университет 3.0” концепцияси асосида таълим, илм-фан ва тадбиркорлик функцияларини уйғунлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бизнесни қўллаб-қувватлаш қаратилган жами 3 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ҳам бу йўналишдаги ислохотлар қўламадан дарак беради.

Давлат раҳбарининг 2024 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори келгусида ҳам ҳар йилги очик мулоқотни янада юқори савияда ўтказишни назарда тутди. Президентнинг тадбиркорлар билан очик мулоқот олдида жойларда ишбилармонлар иштирокида учрашувлар ўтказилиб, 20 август - Тадбиркорлар кунини кенг нишонланиб келинмоқда. 2024 йили давлат раҳбарининг Фармони ва фармойишига асосан 37 нафар юртдошимиз турли орден ва медаллар, 104 нафар илғор бизнес вакили “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бизнес-омбудсман маълумотида кўра, мамлакатимиз ўз олдида 2027 йилга бориб, хусусий секторнинг ЯИМдаги улушини 80 фоизга, экспертдаги ҳиссасини 60 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйилди.

Умуман, “Қарорлар абул қилувчи доиралар, олимлар ва мутахассислар ушбу технологиялар, айниқса, сунъий интеллект инсоният келажагига фақатгина ижобий таъсир кўрсатади, деган фикрга уалик ҳам қўшилмайди. Улар бу каби замонавий технологиялар келажакда инсон назоратидан чиқиб кетиб, башарият тақдирига дахл илиши ва ортга қайтариб бўлмайдиган оқибатларга сабаб бўлишидан хавотирланиб, бу борада қизғинбаҳс-мунозаралар олиб боришмоқда”[25].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Бўтабоев М., Тошматов М., Муминов А. Бизнес бошқаруви асослари. Ўқув қўлланма. -Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2016.-287-288-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир рағбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-10 б.
3. Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим тизимининг урни ва аҳамияти // Замонавий таълим. Современное образование. 2014 йил. №2.-3.
4. Абалким Л.И. Экономическая энциклопедия. -Москва: Издательство Экономика. 1999.-275 с.

5. Бутаев Ж. Инсон капиталига инвестициялар таҳлили ва унинг аҳамияти. www.interfinance.uz // “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. - Тошкент. 2020.-№5 октябр.
6. Аҳмедов Б. Дунё астрономия харитасида ўз ўрнимиз бор // “Янги Ўзбекистон”, 2022 йил 29 октябр, 223(744)-сон.
7. Раҳмонов М.А., Зарипов Б.З. Билимсизлик - инсоният учун энг қоронғу тундир. Конфуций ҳикматлари. -Т.: “Noshir”, 201.-12 б.
8. Гёте И.В. Ҳикматлар. -Т.: “Манавият”, 2010.-34 б.
9. Султонов Т. Янги Ўзбекистонда таълим, фан ва инновация тараққиёти. Монография. -Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyoti” матбаа уйи. Монография. 2024.-94 б.
10. Мустафоқулов Ш. уч халқа: таълим-илм-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси технологиясининг ижобий жиҳатлари // “Халқ сўзи”, 2021 йил 22 декабр.
11. Мустафоқулов Ш. Янги Ўзбекистон ишбилармонлик учун қулай, иқтисодиёти бақувват ва фаровон мамлакатга айланмоқда // “Халқ сўзи”, 2024 йил 16 август, №165(8788).
12. Мирзиёев Ш.М. Инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун. -Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022.-268 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Мурожаатномаси. 22 декабр, 2017 йил.
14. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. –Тошкент: “O'zbekiston” нашриёти, 2024.-25-бет.